



# O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 22-noyabr. Seshanba • 138 (31.414)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

## Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш:

# Ўзбекистон тажрибаси

Тошкентда «БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига оид вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО ва Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Германия, Словения, Украина, Жанубий Корея, ЕХТ, БМТ агентликлари ва бошқа халқаро ташкилотларнинг етакчи экспертлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари, олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчиси сифатида 2000 йилда ўтган Мингйиллик саммитида мамлакатлар олдида қўйилган вазифаларни изчил амалга оширишда, уларни бажариш борасида кўплаб қўрсаткичлар бўйича етакчи эканлиги таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан барча жабҳаларда фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий манфаатларини таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган кенг қўламли илоҳотларнинг изчил амалга оширилиши бундай муваффақиятли ривожланишда муҳим омил бўлмоқда.

Хорижлик экспертлар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва мамлакатимизда барча демократик туб ўзгаришлар, жумладан, давлат бошқаруви тизimini эркинлаштириш, иқтисодийни модернизация қилиш, ижтимоий институтлар ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилаётган, ҳар томонлама кенг қамровли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган «Ўзбек модели» ҳамда ривожланишнинг беш тамойили юқори самара бераётганини алоҳида таъкидлади. Иштирокчиларнинг умумий фикрига кўра, Президент Ислам Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берган комплекс туб ўзгаришлар янги босқичнинг устувор йўналишлари ва бу борада қайд этилган чоратadbирлар Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари вазифаларига тўла жавоб берадиган давлат сиёсати ҳаёта изчил татбиқ этилаётганининг эркин ифодасидир.

(Давоми 2-бетда.)

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун



Ҳар қандай ҳуқуқий давлат асосини унинг Конституцияси ташкил этади. Конституция — мамлакатнинг Бош қомуси, Асосий Қонуни сифатида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солувчи ҳужжатдир. Ўзбекистон Конституциясида халқимиз танлаган тараққиёт йўли, давлатимизнинг мақсад-моҳияти, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузumi, инсоннинг ҳуқуқи ва бурчи, бошқарувнинг демократик тамойиллари, давлат ва жамият ривожининг стратегик йўналишлари, маънавий қадриятларимиз асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Унда халқимизнинг бунёдкорлик руҳи, ижтимоий тафаккури ва маданияти ўз ифодасини топиши билан бирга, умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ мезонлари акс этилган. Асосий Қонунимиз айни шу эзгу мақсадларни, мустақил тараққиёт йўлимиз, ҳуқуқ ва эркинликларимизни кафолатлайди.

Президентимиз таъкидлаганидек: «Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир».

\*\*\*

Суратда: Тошкент давлат юридик институти «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси доценти Садриддин Хидиров талабалар билан Конституцияда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳаётада ўзининг амалий ақсини топаётгани ҳақида суҳбатлашмоқда.

Муродбек ЗИЁ олган сурат.

Ўрта Осиёда кенг миқёсда сув лойиҳаларини амалга оширишга, хусусан, гигант сув иншоотларини барпо этишга интилаётганлар, энг аввало, улар келтириб чиқарадиган оқибатлар устида мулоҳаза юритишлари лозим. Сейсмик жиҳатдан хавфли бўлган ҳудудда ҳар қандай йирик сув иншоотининг қурилишига жуда эҳтиёткорлик ва чуқур мулоҳазакорлик билан ёндашиш керак. Сирдарё ва Амударё Ўрта Осиёдаги асосий сув артериялари бўлиб, минтақанинг 50 миллиондан зиёд аҳолисининг ҳаёти ва тақдири ушбу дарёларга боғлиқ эканлиги ҳисобга олинар экан, бирон-бир сув лойиҳасини татбиқ этишдан олдин мазкур дарёлар ҳудудларидан оқиб ўтадиган мамлакатлар билан келишувга эришмоқ зарур.

П. Е. ТОМАНН, Франция геосиёсат институтининг Бельгиядаги эксперти.

## «Янги ҳаёт»да янги мактаб

Сариёсиёдаги «Янги қишлоқ» маҳалласида 4-болалар муосир ва санъат мактаби феолият бошлади.

Икки қаватли кўркам иншоотни барпо этиш учун 1 миллион 906 миллион сўмлик иш бажарилди. Уни «Махсус қурилиш-таъмирбутовлаш» масъулият чекланган жамият жамоаси қишқа фурсат ичида қуриб битказди.

«Янги ҳаёт»га кўрк бағишлаган мусиқа ва санъат мактабида бугун 150 нафар ўғил-қиз санъат сирларини ўрганмоқда.

## Муносабат

# «Маърифат маркази»

эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитларда ўқиб-изланиши ва камолга етишига хизмат қилади

Маърифатли жамият барпо этиш буюк боболаримизнинг улуг орузи эди. Чунки маърифатли, маънавиятли, маданиятли миллатни ҳеч қандай куч енга олмайди. Маърифат фақат бир мамлакатнинг мулки эмас. Балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, дунёни маърифат кутказди. Қадим юнон файласуфи Сукротнинг айтишича, дунёда битта згулик бор — билим. Битта ёвузлик бор — нодонлик.

Биздан овоз ва обод Ватан қолсин! Президентимиз ҳар галги чиқишларида, нутқ ва маърузаларида албатта биз ёшларга қарата муножаат қилади. Бугун Ўзбекистонда камолга етаётган ҳар бир ёш ўзини Ватан ва Миллат тақдирига дахлдор деб ҳис қилади. Мамлакатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида айтганидек, буюк давлат қуришни кўзлаб, порлоқ келажак учун, фарзандларимиз

иқболли учун авлодларга овоз ва обод Ватан қолдирик учун яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш Ўзбекистонда истиқолат қилаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Тошкентнинг қоқ марказида Навоий кўчаси узра қад ростлаган «Маърифат маркази» Ўзбекистонни буюк келажagini яратишга қодир бўлган биз ёшларга Президентимиз томонидан берилган беқиёс имкониятдир. Мустақиллик йилларида

ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган кўплаб маърифат масканлари барпо этилди. Бунинг замирида энг аввало фарзандларининг билимли бўлишини, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаслигини истатаган Юртбошимизнинг баркамол авлод орузи мўжасамлашган.

Президентимиз айтганидек, ҳар қайси миллат, аввало юксак маданияти, маърифат ва маънавияти, баркамол ёшлари билан кучлидир. Шу маънода ушбу зиё маскани, авваламбор ёшларимизни юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши лозим. Ушбу сўзлардан кўриниб турибдики, мазкур маърифат масканининг ҳақиқий эгалари илмга чанқоқ ёшлардир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва гоёси асосида бунёд этилган «Маърифат маркази»дан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олгани, замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани, компьютерлар интернет тармоғига симсиз улангани ва бошқа имкониятлар илм-фан ривожига, ёшларнинг чуқур билим олишига хизмат қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг биз бир гуруҳ магистрант ва бакалаврлари ушбу маърифат марказининг аҳамияти, моҳияти, ёшлар таълим-тарбиясида тутган ўрни ҳақида мақолалар ёзишга, тарғибот ишларини олиб боришга ва бу ерда яратилган шарт-шароитлардан нумули фойдаланишга келиши лозим.

Президентимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва гамхўрликка жавобан ватанимизни севишга, илм эгаллашга тайёримиз.

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти.

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Телекоммуникациялар: фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатланади

Конституцияимизда ҳар бир фуқаро фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, шунингдек, ахборот излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Буни таъминлаш йўлида ўндан зиёд қонун қабул қилинди. Таъкидлаш керакики, мазкур қонунлар аҳолининг ахборот олиш бора-аҳолининг конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётгани билан



Дилбар ХОЛИКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзДП фракцияси аъзоси.

⇒ 2

# «Ўзбек ёшлари жаҳонни забт этмоқда!»

Унинг маҳоратига лол қолишди ва «Сендай фарзандни тарбиялаб вояга етказган ота-онанга, Ватанинга раҳмат!», — дейишди.

⇒ 3

## Тоғлар мўъжизаси

«Сурхон» давлат кўриқхонаси денгиз сатҳидан қарий минг метр баландда — Қўхитанг тоғининг шарқий ёнбағрида жойлашган.

Бу ажойиб манзилнинг умумий майдони 23 минг 800 гектардан ортиқ, унинг 9 минг 300 гектари ўрмонзор. Кўриқхонада 800 турдан ортиқ ўсимлик учрайди. Сурхон лоласи, илонбағр пурх, Бойсун астрағали каби 40 тадан ортиқ ажойиб табиат неъматлари Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган.

Кўриқхонада 20 турдан ортиқ сўт эмизувчи, 85 турдан зиёд қуш ва сударалиб юрвчи мавжуд, — дейди «Сурхон» давлат кўриқхонаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Тўра Холиқов. — Улардан 17 тури Ўзбекистон «Қизил китоби» ва 4 тури эса Халқаро «Қизил китоб»га киритилган.

Мустақиллик йилларида «Сурхон» давлат кўриқхонасини такомиллаштириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш мақсадида кўплаб хайрли ишлар қилинди. Дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқалар мустаҳкамланди. Натижада худуд биохилма-хиллиги бойиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турлари янада кўпаймоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 IYIL 22 NOYABRDAN BO'SHLAB HORIJIIY VALYUTALARNING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI							
1 Австралия доллари	1770,55	1 Миср фунти	297,04	1 СДР	2787,86	10 Жанубий Корея вони	15,59
1 Англия фунт стерлинги	2796,89	1 Канада доллари	1725,85	1 Туркия лираси	974,01	1 Япония иенаси	231,27
1 БАА дирҳами	483,70	1 Хитой юани	279,58	1 Швейцария франки	1936,34	1 Россия рубля	57,46
1 АҚШ доллари	1776,59	1 Малайзия ринггити	559,91	1 Евро	2408,73	1 Украина гривнаси	222,50

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Телекоммуникациялар: фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатланади

Хусусан, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун телекоммуникация тармоғининг жадал ривожланишини таъминламоқда. Маълумки, телекоммуникациялар тараққиёти мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, маънавий-маърифий тарбия ва интерфаол мулоқот воситасини бажаришда муҳим омилига айланди. Телекоммуникация тармоқларида ахборот технологияларининг жадал ривожланиши, замонавий телекоммуникация хизматлари пайдо бўлиши ва хизматлари сони ҳамда сифатининг ошиши, соҳа субъектлари ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар тақомиллаштириши бунинг тасдиғидир.

Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурган тизимга тааллуқли гоҳ ва тақдирлар бу борадаги тараққиётни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган.

Концепция гоҳлари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг «Теле-

коммуникациялар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

**Мазкур Қонунга кўра, давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича ҳуқуқий механизм тақомиллашмоқда.**

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бир қатор хорижий давлатларнинг телекоммуникациялар соҳасидаги қонунчилик тажрибаси ўрганилди, шунингдек, телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган асосий вазифа ва тавсиялар инобатга олинди.

Концепцияда белгиланган вазифани бажариш юзасидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда унча нуқтаи назардан келиб чиқилди. Хусусан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланишга

доир ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш мақсадида Интернет жаҳон ахборот тармоғидан қўшимчалар киритиш ҳақидаги миллий сегментни ривожлантириш бўйича тегишли меъёrlар киритилди. Бунда домен номлари ва домен номлари тизими каби тушунчаларга ҳуқуқий таъриф берилиши муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига мазкур тушунчаларнинг таърифи киритилмоқда.

Қонун лойиҳасида «домен номи» атамасига берилаётган таъриф телекоммуникациялар соҳасида стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар фойдаланган таърифта мос келади. Қонунда «домен номлар тизими»га Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментидеги алоҳида аҳамиятга эга ресурс бошқарилишини тартибга солиш заруриятидан келиб чиқиб таъриф берилган.

Шунингдек, Қонунда фуқаролар замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланишни таъминлаш, алоҳида хизматлари, маълумот узатиш ва тарқатиш соҳаси рақиқлаш ва тарқатиш соҳаси рақиқлаш хизмат қилувчи меъёrlар киритилмоқда. Хусусан, Қонунга киритилаётган тегишли моддага асосан давлат ва ҳужалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

юридик ва жисмоний шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқларининг самарали ишлаши ҳамда ривож топиши учун шароит яратиши зарурлиги белгилаб қўйилмоқда.

**Бу, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидеги фуқароларнинг ахборот олиш ва узатиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини таъминлайди. Давлат ва жамият қурилишида ҳар бир фуқаронинг фаол иштирок этиш имконини кенгайтиради.**

Ахборот тайёрлаш ва узатиш теъорлиги ўсиши давлат ҳокимияти органларининг янада самарали ишлашига замин яратди, юридик ва жисмоний шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш бўйича назорат механизмини кучайтиради. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият идораларининг юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлигини янги поғонага олиб чиқади.

Қонуннинг 11-моддаси янги

тахририга асосан Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг манзил-маконидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, «ЎЗ» миллий домен зонасида домен номларини маъмурий бошқариш тартибини ва процедураларини ташкил этиш бўйича махсус ваколатли органнинг вазифа ва ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

Телекоммуникация соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунга тегишли модда киритилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда иқтисодийнинг ривожланиши, давлат бошқаруви тизимини эркинлаштириш, ҳуқуқат ва фуқаролар ўртасида ҳамкорлик янада кучайишига йўл очади. Бу эса давлат ва жамият қурилишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, энг муҳими, фуқароларнинг Конституцияимизда кафолатланган ахборот олиш, узатиш, сақлаш ва ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқлари тўла рўйбга чиқишига, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаолиги орттишига хизмат қилади.

## ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

■ Наманган вилоятида 813 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларда 33 мингдан зиёд аъзо бирлашган. Партия гоҳларини жамоатчилик орасида тарғиб этиш, электротар манфаатини ҳимоя қилиш, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишда уларнинг алоҳида ўрни бор.

## Қуйи бўғин — электорат манфаати ҳимоячиси

Наманган шаҳридаги «Фазлий» маҳалласида ташкил топган бошланғич партия ташкилоти бу борада ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Маҳалла ҳурлидаги аҳоли ҳамда партия электорати манфаатларига доир масалаларни ўрганиш, партия сафини салоҳиятли ва ташаббускор аъзолар билан кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бугун партия ўзининг дастурий мақсадларини давр талаблари асосида янада кучайтириши, замонавий иш услубларини шакллантириши, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада тақомиллаштириши зарур, — дейди БПТ раиси, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутаты Зоҳиджон Бузрук. — «Гулбоғ», «Фазлий» маҳаллаларида касаначилик, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, аҳолининг кам таъминланган қатламга кўмак уюштирилган қўшма депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликдаги ишларимиз яхши самара бермоқда. «Гулбоғ» МФЙ ҳудудидеги 3 километрга яқин йўл бир неча йилдан бери носозлиги туфайли аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Биз депутатларимиз билан бирга бу масалага тегишли идоралар эътиборини қаратдик, 3 километрга яқин йўл тўлиқ таъминланди. Коммунал соҳадаги айрим камчиликлар ҳам бартараф этилди.

— Етти минг нафар аҳоли истиқомат қилувчи маҳалламизда фаолиятини янада жонлантириш лозим. Учрашувлар, давра суҳбатлари, тадбирлар орқали ўз электоратимиз ва хайрихоҳларимиз манфаатини ҳимоя қилиш, муаммолар бўлса, уларнинг ечимини бўйича амалий тақдирлар бериш муҳим аҳамиятга эга.

Хуришд ФАЙЗИЕВ

## Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш:

# Ўзбекистон тажрибаси

Экспертларнинг фикрича, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш дунёнинг барча давлатларида ҳам Ўзбекистондаги каби давлат сиёсатининг устувор йўналишлари даражасига кўтарилиши йўқ. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 январда қабул қилинган қарори ҳам шундан далolatдир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистонда 2015 йилгача БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир комплекс қўшимча чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу тизимли чора-тадбирлар Мингйиллик декларациясида белгиланган барча саккиз мақсад бўйича 88 устувор йўналишни ўз ичига олган.

Мустиқ ривожланиш даврида мамлакатимиз янги ички маҳсулотни 3,5 баробардан ошди. Сўнгги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистонда дунёда энг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан бирига эришилди. Шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Ушбу соҳанинг янги ички маҳсулотни шакллантиришга қўшаётган улуши Европадаги ўртача кўрсаткичга яқинлашди. Семинарда қатнашган мутахассисларнинг фикрига кўра, энг мақсадга қаратилган инвестиция сиёсати, тармоқларни ривожлантиришга доир амалга оширилаётган комплекс дастурлар мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг ҳар йили изчил ўсиб бориши, 2015 йилда унинг ҳажмини 1,5 баробарга кўпайтириш учун аниқ шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда эришилган ютуқлар соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳоли турли қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш соҳасида самарали ижтимоий сиёсатни рўйбга чиқариш имконини бераёттир. Жорий йилда Давлат бюджети барча сарф-харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун, жумладан, 48 фоизи таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган.

«Ўзбекистон мамлакат Президенти раҳнамолигида юксак натижаларга эришмоқда, —

дейди «ABU consult Berlin GmbH» лойиҳаси директорлар кенгаши аъзоси Ева Мария Хенкел (Германия). — Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага катта миқдорда йўналтирилаётган инвестициялар аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, мамлакатингизда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган муваффақиятлар дунёдаги етакчи мамлакатлар натижаларидан кам эмас. Ўзбекистонда 12 йиллик умумий бепул таълим ва аҳолига замон талабларига мос тиббий хизмат кўрсатиш таъминланган. Бундай ижтимоий мажбуриятларни ўз зиммасига олган давлатлар ҳозир жуда кам. Европа Иттифоқининг эксперт ҳамжамияти Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида амалга оширилаётган тўз ўзгаришлар жараёни ва бошқа давлат дастурларига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифаларни ҳал этиш ва Ўзбекистонини янада ривожлантиришга хизмат қилади».

Хорижий экспертлар таълим сифатини тубдан ва тизимли равишда оширишга қаратилган, ўз мазмун-моҳиятига кўра энг мақсадга қаратилган инвестиция сиёсати, тармоқларни ривожлантиришга доир амалга оширилаётган комплекс дастурлар мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг ҳар йили изчил ўсиб бориши, 2015 йилда унинг ҳажмини 1,5 баробарга кўпайтириш учун аниқ шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда эришилган ютуқлар соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳоли турли қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш соҳасида самарали ижтимоий сиёсатни рўйбга чиқариш имконини бераёттир. Жорий йилда Давлат бюджети барча сарф-харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун, жумладан, 48 фоизи таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган.

«Ўзбекистон мамлакат Президенти раҳнамолигида юксак натижаларга эришмоқда, —

нинг ҳатто қишлоқ жойларда ҳам сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланиши таъминланмоқда. Умуман олганда, Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш борасидаги муҳим кўрсаткичлардан бири — одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Экспертларнинг қайд этишича, бу МДХ давлатларидаги энг юқори кўрсаткичдир.

«Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ривожлантириш учун энг инвестицион муҳит яратилган, мамлакатингиз дунёда янги ички маҳсулот ва асосий капиталга сарфланаётган инвестициялар бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бири намойиш қилмоқда, — дейди Жанубий Кореянинг «Шингдон рибсорсез» компанияси бош маслаҳатчиси Санг Юн Ким. — Ўзбекистон ўз ижтимоий сиёсатини амалга оширишда иқтисодий ютуқлардан, айниқса, инсон ресурсларини ривожлантиришга кўмаклашувчи соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида эришилган самаралардан оқилона фойдаланмоқда. Бугунги замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича кўп босқичли ноёб тизим амалга оширилмоқда. Ҳар бир фуқаро тиббиёт соҳасида юқори малакали хизматлардан баҳраманд бўлмоқда. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва бепул хизмат кўрсатадиган иқтисослашган тиббиёт мусасасалари тармоғининг ташкил этилгани оналар ва болалар ўлимини бир неча баробар камайтириш имконини бермоқда — бу мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий ва муҳим самараларидандир. Ўзбекистон ҳукумати Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган ноёб дастурни қабул қилди. Мингйиллик ривожланиш мақсадларини марказ, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида амалга оширадиган миллий инфратузилмани ташкил этиш дастурининг ана шундай ноёб жиҳатларидандир».

Семинар қатнашчилари Марказий Осиёда экологик барқарорлиқни ва минтақанинг сув ҳамда энергетика ресурслари

ридан бу ерда яшаётган барча халқлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда оқилона фойдаланиши таъминлаш Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича энг муҳим масалаларни ҳал этиш борасидаги қатъий позицияси ва саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда қатор давлат дастурлари ва миллий ҳаракат режалари ҳаётга татбиқ этилаёттир. Мамлакатимиз ушбу соҳада халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда.

Семинарда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишда фуқаролик жамияти институтлари — сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига кўмаклашувчи соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида эришилган самаралардан оқилона фойдаланмоқда. БМТ Мингйиллик мақсадларига ҳамоҳанг миллий ривожланиш мақсадларига эришиш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш хал этишда, бу борада амалга оширилаётган давлат дастурлари ижросини мониторинг қилишда уларнинг роли тобора орттиб бораёттир. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фуқаролик институтлари аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлашга кўмаклашмоқда, жамиятнинг давлат билан самарали мулоқотини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан хорижий экспертлар Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган фуқаролик институтларини ривожлантиришга доир қонунчилик ташаббуслари алоҳида долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Унга мувофиқ янги қонунлар пакетининг қабул қилиниши соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида

ги давлат дастурлари ва катта ижтимоий аҳамиятга эга бошқа ҳужжатларни бажаришда фуқаролик институтларининг иштирокчини кенгайтириш бўйича ҳуқуқий асос яратди.

«Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини фаол ривожлантириш учун ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий база шакллантирилган, — дейди Фуқаролик жамияти муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори Виталий Кулик (Украина). — Миллий парламент ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва маҳалла каби фуқаролик институтининг самарали фаолияти экспертлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Негаки, бу гоёт ноёб ҳодисадир. Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ислохотларнинг «ўзбек модели» доирасида амалга оширилаётган вазифарга тўлиқ мос келади. Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, фуқаролик жамияти, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш борасидаги тажрибаси Украина ҳамда бошқа ривожланаётган мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Яна шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, Экологик ҳаракатнинг Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизи хавзасини экологик соғломлаштириш, минтақа сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишга доир лойиҳаларининг амалга оширилиши мазкур институтлар фаолиятининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этишга оид ишлардаги муҳим натижасидир. Бундан Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ибрат ола арийдир».

Муҳтасар айтганда, амалий мулоқот руҳида ўтган халқаро семинар қатнашчилари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга доир вазифарларни бажаришда Ўзбекистон катта ижобий тажрибага эга эканини таъкидлади. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига аъзо қўллаб-қувватлаш ривожланаётган давлатлар учун модель бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

## Тиббиёт

## Оналик ва болаликнинг ишончли ҳимояси



■ Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, оналар ва болаларни соғломлаштириш, баркамол авлодни улғайтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Сурхондарё вилояти Перенатал марказида ҳам бу борада изчил ишлар амалга оширилаёттир.

120 ўринга мўлжалланган мазкур муассасада — гинекология, реанимация, туғуруқ, чақалоқлар бўлими ва биохимик лабораторияларда, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Марказда мавжуд замонавий тиббиёт ускуналари ҳамда жиҳозлари, яратилган қўлай шароит диagnoстика, даволаш, туғуруққа кўмаклашиш жараёнларида оналар ва болалар саломатлигини ишончли муҳофаза

қилиш имконини бераёттир. Қабулга келган ҳар бир аёл ва туғилдиш қўлиб бўлими ва биохимик лабораторияларда, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Марказда мавжуд замонавий тиббиёт ускуналари ҳамда жиҳозлари, яратилган қўлай шароит диagnoстика, даволаш, туғуруққа кўмаклашиш жараёнларида оналар ва болалар саломатлигини ишончли муҳофаза

Суратда: (чапдан) чақалоқлар паталогияси бўлими бошлиги Нуржон Жабборов ва ҳамшира Нигора Қувондиқова. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга.  
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.  
Мақтаб ишлари давлат назоратидадир.**

# «Ўзбек ёшлари жаҳонни забт этмоқда!»

■ Яқинда Швейцарияда француз тилида нашр этиладиган «Tribune de Geneve» газетасида шундай сарлавҳали мақола чоп этилди.

Мақолада ёшларимизнинг илм-фан, таълим, маданият ва санъат, спорт йўналишларида халқаро миқёсда кўлга киритилган ютуқлари ҳақида сўз юритилган. Дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бирининг нуфузли нашрида билдирилган фикрлар ва бошқа эътирофлар кишини бу ютуқлар устида мулоҳаза юритишга, хулоса чиқаришга ундайди.

Авалло шуни айтиш керакки, ёшларимиз эришаётган бу муваффақиятлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз томонидан юртимизда баркамол авлод тарбиялаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу улуг ниятларни рўйга чиқаришнинг муҳим омиллари — илм-фан, таълим, санъат ва спорт соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Юртимизда таълимнинг бошқа ҳеч бир мамлакатда учрамайдиган миллий моделига асос солиниди, унинг пойдевори бўлиши мақтаб, коллеж ва академик лицейлари ўзида мужассам этган янги тизим тўлиқ жорий этилди. Мақтаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури доирасида 8832 та мақтаб янгидан курилди, қолган мақтаблар тубдан таъмирланди. Уларнинг барчаси замонавий жиҳозлар билан таъминланди, 1537 та академик лицей ва касб-хунар коллежи барпо этилди, олий ўқув юртилари сони икки баробар кўпайиб, 65 тага етди.

Истеъдодли ёшларни рағбатлантириш ва кўлаб-қувватлаш мақсадида 1999 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 2000 йили «Нихол» мукофоти, Президент стипендиyasi, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бакалаврлар учун муайян йўналишлар бўйича Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино номидаги давлат стипендиyasi жорий қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистонда хар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялли ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Холбуки, жаҳон таълимида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағғариаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази мунтазам равишда ўтказиб келаётган турли тадбирлар, фестиваллар, ижодий кечалар ва таълим гранти танловлари ҳам иқтидорли ўғил-қизларимизни кашф этиш, уларнинг ўз илмий-ижодий салоҳиятларини тўлақонли рўйга чиқариш учун хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда баркамол авлод орузси йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли, қиёси йўқ бу ишлар дунёнинг таниқли олимлари, давлат арбоблари томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда, айниқса, таълим соҳасига кўрсатилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганидан ҳад ростлаган муҳташам илм даргоҳларини кўриб ҳайратини яшира олмаган эдим. Боиси, бу каби замонавий таълим масканларини ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам учратмагандим. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг кадрлар тайёрлаш, ёш авлоднинг қилми инсонлар бўлиб етиштириш йўлида кўрсатилган ташаббуслари хар қанча таҳсинга лойиқ.

Дмитрий ВИДРИН, украинлик эксперт. Мустақиллик йилларида ўқувчиларимиз мустақил Ўзбекистон вакиллари сифатида халқаро фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, 150 дан зиёд олтин, кумуш ва бронза медалларини кўлга киритишди. Хусусан, охириги уч йил мобайнида мам-



лакатимиздаги умумтаълим мақтаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртилари талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида голиб бўлиб, жами 41 та медал билан тақдирланди. 2008 йилда мақтаб ўқувчилари ўртасидаги кимё фани бўйича Халқаро Менделеев олимпиадасида истеъдодли ёшларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон жамоасининг биринчи ўринни эгаллаши тасодиф эмас. Бу — мамлакатда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислохотларнинг самарасидир. Юртингизда ёш авлодга кўрсатилган гамхўрлик юксак эътироф ва ибратига сазовор. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий мақтаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, уларнинг замонавий жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжуманлари билан таъминлангани натижасида шахр ва қишлоқ мақтаблари ўртасидаги тафовут барҳам топмоқда.

В. ЛУНИН, Халқаро олимпиада ташкилий қўмитаси хамраиси, Москва давлат университети кимё факультети декани, академик. Сўнгги йилларда мақтаб ўқувчилари ўртасидаги халқаро математика олимпиадасида эришилган натижалар тобора юксалиб бораётганини кўйидаги мисоллардан ҳам яққол кўриш мумкин. Агар 1997-2003 йилларда Ўзбекистон терма жамоаси жами 8 та медал билан тақдирланган бўлса, 2004-2011 йилларда 22 та медаллар шодаси билан юртимизга қайтиб келишган.

Мамлакатингиз илм-фан ва инновация борасида бой тарихга эга. Ўзбекистондан кўплаб буюк олим ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Жаҳонда «алгебранинг отаси» деб тан олинган Ал-Хоразмий ҳам шу заминда туғилиб, камолга етган. Бугунги ўзбек ёшлари ҳам юксак салоҳият ва иқтидорга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Хиллари КЛИНТОН, АҚШ давлат қотиби.

Президентимизнинг болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-

2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури санъатимиз ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотларни янада юксак поғонага олиб чиқди.

Биргина 2009-2010 йилларда юртимиз шахар ва туманларида 14 та янги муסיқа мақтаби барпо этилди, 38 таси капитал реконструкция қилинди. Бундан ташқари, улар 11,7 миллиард сўмлик 139 номдаги жиҳозлар билан таъминланди. Бунинг учун Болалар спортини ривожланти-

риш жағғариаси томонидан 52,6 миллиард сўм маблағ ажратилди. Истиқлол йилларида ёш муסיқачиларимиз нуфузли санъат фестиваллари ва танловларида 670 дан ортиқ совринли ўринларни эгаллади, ҳозирги кунда дунёнинг етуқ санъат усталари томонидан «Жаҳон пианиносини қироли» дея тан олинган Бехзод Абдураимов, ўн ёшидаёқ дунёни лол қолдирган Тохиржон Аскарлов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари Нодира Дадамухаммедова ва Тамилла Саримсоқова, жорий йил Италиянинг Барлетто шаҳрида ўтказилган халқаро танловда энг ёш иштирокчи сифатида қатнашиб, Гран-при ҳамда «Энг яхши Европа муסיқаси ижрочиси», «Томошабинлар олқиши» номинацияларида тенгсиз, дея эътироф этилган Искандар Мамадалиев сингари истеъдод эгалари кашф этилди.

Италияда нашр этиладиган «Ластампа» газетасининг шу йил 29 июль сонида «Ревере д'оро» голибларни намойиш этади» номли мақола эълон қилинди. Унда «Ун тўрт ёшли ўзбекистонлик истеъдодли муסיқачи Дилшод Нарзуллоев максимал балл — 100/100 билан Гран-прига сазовор бўлди», деб эътироф этилган.

Глиэр номидаги Республика махсус муסיқа академик лицейининг иқтидорли ўқувчиси дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган Италиядаги халқаро танловда, ўша заминда иқтиро қилинган мушиқ чолғуда, италиялик улуг виртуоз-скрипкачи Никколо Паганини асарларини катта маҳорат билан ижро этиб барчани тўлқинлантириб юборганди. Унга ажратилган ўн беш дақиқа тугаши билан муҳташам муסיқа саройига йиғилган минг нафарга яқин томошабин, ҳатто хакамлар хайъати ҳам ўрндан туриб, олқишлади. Улардан бири эса сахнага чиқиб, ўзбек ўғлонини бағрига босиб, меҳр билан деди: «Сендай фарзандни тарбиялаб вояга етказган ота-онангга, Ватаниннга раҳмат!»

Санъат ва маданият юксак қадрланадиган Ўзбекистондек юртга ижодий сафар билан келганимдан гоят мамнунман. Юртингиз ўз истеъдодли фарзандлари билан хар қанча фахрланас эрийдир. Нодир Хошимов, Азиз Шоҳақимов сингари ёшларингизнинг хорижий давлатлар, жумладан, Россиядаги халқаро танловлардаги муносиб иштироки

кўпчилигининг ҳавасини келтирмоқда. Ўзбекистонда санъатнинг барча йўналишлари, жумладан, юксак даражада ривожланган дирижёрлик мақтаби мавжуд. Муסיқа санъати соҳасига кўрсатилган улкан эътибор юртингиз келажиги, халқ маънавияти, ёш авлодга гамхўрликдан далолатдир.

Владимир СПИВАНОВ, россиялик дирижёр ва скрипкачи.

Келажигимиз учун кўйилаётган улкан сармоялар қандай натижалар бераётгани тўғрисида сўз кетганда, барчамизнинг ҳаёлимизга, фарзандларимизнинг сўнгги йилларда ўсирилган ва ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақаларда эришган жаҳоншумул галабалари келиши табиий.

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсирилган терма жамоасининг Мексика яшил майдонларида ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатиб, жаҳон чемпионатининг энг куч-

ли саккиз жамоаси сафидан жой олгани қалбларимизни гурурга тўлдиради. Ўсири футболчиларимизнинг бу ёркин галабалари жаҳондаги мутахассис мухлисларни ҳайратга солди. «Гарчи ўзбекистонлик ўсирилган чорак финалдан ўз Ватанларига қайтишларида тўғри келган бўлса-да, улар майдонни бошлари тик кўтарган ҳолда гурур билан тарк этишга ҳақлидирлар. Улар билан хар қанча фахрланас эрийдир», деб ёзган эди ФИФА (Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси)нинг расмий веб-сайти fifa.com.

Бугун ўзбекистонлик ёш иқтидорларга жаҳоннинг энг кучли футбол клублари катта қизиқиш билан қарамоқда. Фикримиз далили сифатида яқинда Испаниянинг ҳаҳонга машхур «Реал Мадрид» жамоаси раҳбарлари юртимизда ўз академиясини очиб мақсадида Тошкентга ташриф буюриб, Ўзбекистон футбол федерацияси билан музокарага киришгани, бу борада дастлабки ҳужжатлар имзоланганини келтириш мумкин.

ОФК (Осиё футбол конфедерацияси) делегацияси раҳбари, япониялик мутахассис Токуаки СУЗУКИ фикрга эътибор қаратайлик: Ўзбекистон болалар футболининг ривожланиши даражаси бўйича қитъамизнинг етакчи давлатларидан бири. Деярли хар бир клубнинг ўз футбол мақтаби ва академиялари бор. Уларда барча шароит яратилган ва яхши савиядаги мураббийлар фаолият юритишмоқда. Яқин йиллар ичинда юртингиз бу борада нафақат Осиё, балки жаҳонда ҳам етакчилигини ўз қўлига олса, ажабланимайман.

Президентимиз ўз иқтидори, беқеъис интеллектуал салоҳияти ва гайрат-шижоати билан дунё ахлини хайратга солиб, ҳавасини келтираётган бугунги ёш авлод ҳақида фахр ва ишонч билан шундай дейди: «Булар — мустақиллик фарзандлари, менинг набираларимдир. Биз эккан истиқлол ниҳоллари бугун азим дарахтларга айланди. Улар кўзини қувонтириб, мана шундай қувонч ҳосил бера бошлади. Буларнинг толеи, бахту ўқболи ҳали олдинда. Она Ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажиги буюқдир».

Дилшод НАРЗУЛЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Болалар спортини ривожлантириш борасида тўпланган тажриба кўплаб мамлакатлар мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозир жаҳон стандартлари талаби асосида барпо этилган замонавий спорт коллежлари, машхулот заллари, сузиш ҳавзалари, ям-яшил футбол майдонларида шуғулланиш турмуш тарзинининг узвий бир қисмига айланди. Фарзандларини малакали мураббийлар, халқаро тоифадаги спорт усталари кўл остида таҳсил олишар-япти.

Утган йиллар мобайнида мамлакатимизда 1200 дан зиёд болалар спортни иншоотлари, жумладан 61 та сузиш ҳавзаси, 724 та мақтаб спорт зали курилиб фойдаланишга топширилди.

Эътиборлиси, уларнинг 80 фоизидан кўпи қишлоқларда жойлашган. Бу эса мамлакатимизнинг энг чеқка ҳудудларида ҳам истеъдодлар буй кўрсатиши учун замин яратмоқда. Айниқса, ҳозирда юртимизда болалар футболини ривожлантириш ва оммалаштириш, «миллионлар ўйини»га ихтисослаштирилган замонавий мақтаб-интернатлар барпо этиш, уларда ўқув-машх жараёнининг юксак сифатини таъминлаш борасида бажарилаётган ишлар мутахассислар томонидан жуда юқори баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси томонидан мамлакатда ёш авлодни камол топтириш ва спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор алоҳида таҳсинга сазовордир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро талабаларга жавоб бера оладиган замонавий спорт иншоотлари сонини кўпайтирди. Бу борада биргина болалар спортини ривожлантириш жағғариаси томонидан 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди. Умуман олганда, Ўзбекистонда ёшларга яратилган шароитлар ҳақида кўплаб мамлакатлар ҳавас қилса эрийдир.

Бхарата МЕКАНИ, Халқаро «Cis Tech» компанияси бош директори. ОФК президенти вазифасини бажарувчи Жанг Жилонг «Насарфининг янги футбол академияси очилиши маросимида иштирок этди ва жамоаниннг ўзбек футбол тарихида янги, ёркин саҳифа очиб, ОФК кубогини кўлга киритиши замирида ҳам, энг аввало, юртимизда болалар футболга бўлган катта эътибор мужассам эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан мамлакатда ёш авлодни камол топтириш ва спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор алоҳида таҳсинга сазовордир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро талабаларга жавоб бера оладиган замонавий спорт иншоотлари сонини кўпайтирди. Бу борада биргина болалар спортини ривожлантириш жағғариаси томонидан 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди. Умуман олганда, Ўзбекистонда ёшларга яратилган шароитлар ҳақида кўплаб мамлакатлар ҳавас қилса эрийдир.

Бхарата МЕКАНИ, Халқаро «Cis Tech» компанияси бош директори. ОФК президенти вазифасини бажарувчи Жанг Жилонг «Насарфининг янги футбол академияси очилиши маросимида иштирок этди ва жамоаниннг ўзбек футбол тарихида янги, ёркин саҳифа очиб, ОФК кубогини кўлга киритиши замирида ҳам, энг аввало, юртимизда болалар футболга бўлган катта эътибор мужассам эканлигини таъкидлади.

## Хорижда Астронавтлар мақтабига танлов

келгуси йил январь  
охиригача давом этади



АҚШнинг Аэроавтика ва коинот кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — «NASA» астронавтларнинг навбатдаги гуруҳини тайёрлаш учун танлов эълон қилди.

Ушбу астронавтлар мақтабига ўқини истаганлардан аризалар келгуси йилнинг 27 январигача қабул қилинади, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Суҳбат ва табиий кўрик натижалари 2013 йилда эълон қилинади.

Астронавтларнинг янги гуруҳи учун 9-15 нафар номзод танлаб олинади.

Барча «чигирик»лардан яхши ўтганлар 2 йиллик махсус тайёрликни ўтайдилар.

Астронавт бўлишни хоҳловчиларга кўйиладиган дастлабки талаблар кўйидагича: соғлом ва кўзи ўткир, муҳандислик ёки математика соҳаси бўйича олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича камида уч йил ишлаган, шу билан бирга қирувчи самолётда учиб тажрибасига эга бўлиши шарт. Дарвоқе, фақат Америка фуқароларигагина танловда иштирок этишига руҳсат берилади.

## Автомобилда чекиш

заҳарланишни 20 бараварга  
орттиради

Британия тиббиётчилар ассоциацияси ҳукуматни автомобилда сигарет чекишни тақиқлашга чакирмоқда.

Тиббиётчилар бу чақирикни машина салоҳида сигарет тутунининг заҳарли моддаларга тўйинганлик даражаси одатдаги чекиш хонасига нисбатан 20 баравар ортиб кетиши билан изоҳламоқдалар. Негаки, машина салоҳи тор ва паст. Бу эса заҳарланиш даражасини оширади.

## Вулқон отилиши

янги ороллари пайдо  
қилмоқда

Неча кундирки, Канар ороллари таркибига қирувчи Эль Йерро ороли яқинида Атлантика океани тубида юз бераётган табиий офат — вулқон отилиши натижасида янги ороллари пайдо бўлмоқда.

«Труд» газетаси хабар беришча, қизган магма сув юзасидан 20 метргача баландликка отилмоқда. Сўнг бу лава совиб, қотиб қолмоқда ва янги ороллари юзга келтирмоқда.

Маҳаллий аҳоли ҳозир бу оролларга ном топиш билан машхул.

## Солиқ тизими

## Нақд пул тушуми кўпаймоқда

Давлат солиқ органлари томонидан нақд пул тушумини кўпайтириш, банкдан ташқари айланмаларни имкон қадар қисқартириш борасида олиб бораётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Кашқадарё вилоятида 5965 та нақд пул тушумига эга бўлган ҳўжалик субъекти мавжуд бўлиб, улардан жорий йилнинг тўққиз ой мобайнида банк муассасаларига 728,7 млрд. сўм пул маблағи жалб қилинди. Бу ўтган йил шу даврига нисбатан 118,7 млрд. сўм кўпдир.

Ҳўжалик юритувчи субъектларда пул тушумини назорат қилиш мақсадида вилоят солиқ хизмати органлари ва банк ходимларидан 520 нафари бериқтирилди. Улар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг талаб-эҳтиёжларини изчил ўрганиб чиқмоқда.

Нақд пул тушумини ошириш бўйича кўшимча маблағларни жалб қилиш юзасидан биргина сентябрь ойида 2478,9 млн. сўм, режадан ташқари текширилган натижасида қўлланилган молиявий жарималарни ундириш ҳисобидан 71,9 млн. сўм, сифат сертификатини ва кириш ҳужжатларини бўлмаган махсуслотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш ҳисобидан 14,5 млн. сўм нақд пул банкларга топширилди.

Нақд пул тушумини кўпайтиришда савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам муҳим ўрин тутуди. Вилоятда янги ташкил этилган 1525

та ана шундай шохобчалар ҳисобидан давлат хазинасига 3239,6 млн. сўм қўшимча маблағ туширилди.

Ноконуний савдога чек қўйиш борасида олиб борилаётган назорат тадбирлари билан нақд пул тушумининг ҳамқанд ташқари айланмаларни қисқартиришда яхши самара берапти. Ўтган давр мобайнида ноконуний равишда ўсимлик ёғи, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, сотиб келаётган 57 та яшир цех аниқланади, улар фаолиятига чек қўйилди. Шундай ноконуний ишларнинг олдини олиш бўйича ўтказилган 490 та рейд тадбирида 458,2 млн. сўмлик контрабанда товарлари аниқланиб, давлат ҳисобига ўтказилди. Ҳўққубзарларга нисбатан 61,7 млн. сўм маъмурий жарима белгиланди.

Нақд пул тушуми кўпайиши молиявий барқарорликни сақлашда, аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу масала солиқ идораларининг доимий эътиборида бўлиши талаб этилади.

Комил ҚУРБОНОВ, Кашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Футбол

Аҳмаджон МУСАЕВ:

Мақсадимиз жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш!

Мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионати (U-19) саралаш баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, мусобақанинг финал босқичига йўл олди. Ўсмирлар терма жамоасининг етакчи футболчилари билан кучайтирилган таркиб ўз олдига қўйилган вазифани бажарди. Биз бош мураббий ва айрим футболчиларга муурожаат қилдик.



— Аввало сизни Мустақиллик байрами арафасида «Меҳнат шукрати» ордени билан мукофотланганингиз ҳамда ақинда жамоангиз билан Осиё чемпионатининг финал босқичига йўл олганингиз билан табриклаймиз.

— Биз футбол мураббийлари, футболчилар кадрланадиган, эъозланадиган замонда яшаймиз. Бунинг

ушун Президентимиздан чексиз миннатдорман. Бу мукофот менинг зиммамга катта масъулият юклатди. Осиё чемпионати саралаш мусобақасига кўтаринки кайфият билан тайёргарлик кўрдик. Очиги, унда менга билдирилган ишончини оқлаш учун бор билим ва маҳоратимни сафарбар этдим. Жамоимиз билан халқимиз ишончини оқлаганимиздан хурсандимиз.

Мен Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига анча олдин мураббий этиб тайинланган бўлсам-да, маълум сабабларга кўра йиғинлар ўтказишга вақт етмади. Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатидан сўнг жамоани тўпладим. Бир қатор йиғинлар ўтказдик. Эрондаги саралаш баҳсларига тўхта-

ладиган бўлсак, футбол Осиё қитъасида ҳам жадаллик билан ривожланаётганини таъкидламоқчиман. Яъни рақибларимизнинг ҳеч бирини биздан кучсиз деб бўлмасди. Биринчи учрашувдаги йирик ҳисобдаги галаба бизга кўшимча куч бағишлади. Мухими, биз Осиё чемпионати финал босқичига йўл олдик. Финал баҳсларига хали ўн ойча вақт бор. Шу давр мобайнида ўз олдига юксак мақсадларни қўйган ва уни бажара оладиган жамоани шакллантира олишимизга ишонаман.

— Ўсмирлар терма жамоаси сафида аjoyиб ўйин кўрсатган Тимур Ҳакимов ёшлар терма жамоасига нимагадир жалб этилмади?

— Терма жамоа эшиклари ҳамма учун очик. Тимур Ҳакимовга келадиган бўлса, келгуси йилдаги йиғинларда уни ҳам жалб этамиз. Шу пайтгача чақирилмаганига сабаб, жаҳон чемпионатидан кейин унинг соғлиги билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди. «Пахтакор» машғулотларида ҳам қатнашмади. Яна шуни айтиш керакки, бу ўсмирлар терма жамоаси эмас, ёшлар терма жамоаси. Бу ерда бир ёш катта болалар тўп суришди. Лекин ишонтириб айтманки, Тимурга ҳам ўзини кўрсатиши учун имконият берамиз.

— Аббос Махталев ўсмирлар терма жамоасининг етакчи футболчиси эди. Уни ёшлар терма

жамоасидаги роли қандай?

— Мен Аббосни болалигидан биламан. У олдинлари ҳам ўздан бир ёш катталар билан «Пахтакор»нинг 1993 йилда туғилган болалар жамоасида ўйнади. Ўша пайтда ҳам унда етакчилик хусусиятлари яққол кўзга ташланган. Ҳозирги ёшлар терма жамоасида ҳар томонлама талабга жавоб берадиган футболчи айнан Махталев.

— Манна, «Пахтакор»нинг асосий таркибда майдонга туша бошлади. Бу йиғиннинг келажакки порлоқ. У турма иқтидор манманлик одати йўқ. Бундан кейин ҳам ўзгармаслигини истардим.

— Владимир Козак терма жамоа сардори этиб тайинланди. Унинг ўйинига қандай баҳо берасиз?

— Козак яхши футболчи, «Пахтакор»нинг асосий таркибда тўп суриб келяпти. Майдонни яхши кўра олади, шейрларига тўпни аниқ узатади. Лекин бу ерда яна бир жиҳат борки, у «Пахтакор»да ёш футболчи мактабда тўп суради. Шунинг учун унинг жамоада етакчи бўлишига имконият бердик.

— Осиё чемпионати қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Ишқибозларни кўнглини хотиржам қилиш учун бир гапни айтмоқчиман, саралаш баҳсларига қараб жамоага баҳо бериш керак эмас. Футболчиларимиз ҳозиргидан анча яхши тўп сура оладилар ва ишонтириб айтманки, буни амалда кўрсатдилар. Осиё чемпионатидан муваффақиятли ўтиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш асосий мақсадимиз ҳисобланади. Биз шунга яраша тайёргарлик кўрамиз.

Владимир КОЗАК, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сардори:

— Бу йилги мавсум мен учун омадли келди. Аввало, «Пахтакор»нинг асосий таркибда кўп учрашувларда майдонга тушдим, клубим билан чемпионатнинг бронза медали ва мамлакат кубогини қўлга киритдик. Энг асосийси ёшлар терма жамоаси билан Осиё чемпионатининг финал баҳсига йўл олдик.



Ганишер ХОЛМУРОДОВ, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дарвозабони:

— Ўсмирлар терма жамоасида рақобат бу ердагидек кучли эмасди. Хар қалай ёшлар терма жамоасида биздан бир ёш катта футболчилар бор. Баъзи ўйинларда захирада қолдим. Бу рақобат кучлилигидан. Кейин мураббийлар штаби менга ҳам ишонч билдира бошлади. Саралаш баҳсларида Эрон билан бўлган сўнгги тур учрашуви нисбатан қийин кечди. Осиё чемпионатига хали вақт бор. Ўзимизнинг энг яхши ўйинларимизни кўрсата олишимизга ишонаман.



Жавлон МИРАБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳимоячиси:


— Саралаш баҳсларидан олдин Германиянинг «Боруссия» Мёнхенгладбах жамоаси машғулотларида қатнашдим. У ерда ўзаро учрашувларда иштирок этдим.

Бизнинг олдимизга қўйилган асосий вазифа Осиё чемпионатида чиқиш эди, буни бажардик. Энди Осиё чемпионатида ўзимизнинг ҳақиқий кучимизни кўрсатамиз. Ўсмирлар терма жамоаси билан жаҳон чемпионатида иштирок этдим. Энди ёшлар билан ҳам бу натижани такрорлашни, барчамиз хоҳлаямиз...



Хабарингиз бор, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси биринчи марта 2003 йилда жаҳон чемпионатида қатнашганди. Ундан кейин яна бир бор ёшларимиз ва шу йилги ўсмирлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида тўп суришди. Бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим, йилдан-йилга натижаларимиз яхшиланиб борапти, бу ютуқлар терма жамоаларимизни ўз олдига юксак вазифалар қўйишига ундапти. Шу боис ёшлар терма жамоамиз улардан қандай натижа кутилаётганини яхши билдилар: Осиё чемпионатида мундиалга йўллангани қўлга киритиш ва жаҳон чемпионатида яхши ўйин кўрсатиши.

Биз ёшларимизга ишонамиз. Улар албатта жаҳон чемпионатида иштирок этишди ва ўзбек футбол шукратининг дунё бўйлаб яна бир бор таралишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишади.



Темур АБЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БАА — Ўзбекистон

Эртага футбол бўйича Осиё минтақасида Лондон олимпиадаси саралаш учрашувлари бўлиб ўтади. Мусобақанинг «В» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Ал-Айн шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши майдонга тушади.

Жамоа аъзоларининг мазкур муҳим учрашувга пухта ҳозирлик кўришлари учун Ўзбекистон футбол федерацияси барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, олимпиячиларимиз иқлимга мослашиш ҳамда жамоа ўйинини шакллантириш мақсадида учрашувдан бир hafta олдин Манамага сафар қилишди. Бу ерда олимпиячиларимиз баҳраийлик тенгдошларига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказди. Унда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Вакиллари-миздан Олег Зотеев гол муаллифи бўлди.

Бош мураббий Вадим Абрамов Бирлашган Араб Амирликлари олимпия терма жамоасига қарши кечадагича учрашувга қуйидаги футболчини жалб қилишни маълум қўрган:

**Дарвозабонлар** — Санжар Қувватов («Машъал»), Акбар Тўраев («Бунёдкор»); **Ҳимоячилар** — Абдуқаҳор Ҳожиаббаров («Олмалик»), Исроил Тўхтажоев («Нефтчи»), Салим Мустафоев («Динамо»), Бобуржон Омонов («Бухоро»), Даврон Ҳошимов, Акбар Исмаилов («Пахтакор»), Эгор Кривец («Пахтакор»), Жаҳонгир Меҳмонов («Навбахор»); **Ярим ҳимоячилар** — Жавлон Ибрагимов («Бунёдкор»), Зоҳир Пиримов, Олег Зотеев («Олмалик»), Жасур Ҳасанов («Бухоро»), Ойбек Қўлиев («Андижон»), Фозил Мусаев («Насаф»), Шерзод Каримов («Пахтакор»); **Ҳужумчилар** — Темурхўжа Абдухаликов («Пахтакор»), Павел Смоляченко («Нефтчи»), Николай Гурьянов («Локомотив»), Кенжа Тўраев («Насаф»).

БАА — Ўзбекистон олимпия терма жамоалари учрашуви Тошкент вақти билан 19.30 да бошланиши белгиланган.

Тақвимга кўра, бугун гуруҳдаги иккинчи учрашувда Ироқ — Австралия олимпия терма жамоалари ўзаро куч синашди.

Учинчи тур ўйинлари эса 27 ноябрда бўлиб ўтиши мўлжалланган. Айнан шу кун олимпиячиларимиз Австралияга сафар қилишса, иккинчи ўйинда БАА — Ироқ футболчилари майдонга тушади.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ўрнида  
AGROBANK  
Мижозлар манфаати доимий эътиборда

очиқ акциядорлик тижорат «Агробанк»нинг Тошкент вилоят бошқармасида эришилаётган ютуқлар хусусида

Бугунги кунда банкнинг вилоятдаги 13 та шаҳар ва туман филиаллари, 20 та махсус ва 17 та сайёр кассалари, 25 та минибанклари томонидан 14 мингдан орტიқ юридик ва жисмоний шахсларга халқаро андозаларга мос, банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастурига мувофиқ банк филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизларни, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида кредитлар ҳамда микрокредитлар ажратилмоқда.

Утган давр давомида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1359 та тадбиркорлик субъектларига 18,7 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг эвазига эса 2.247 та янги иш ўринлари яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш тўғрисидаги қарори асосида 7,2 млрд.

сўмлик, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қарори асосида 4,0 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Вилоятда чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида чорва моллари сонини ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 1,5 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар берилди. Шунингдек, худудларда иссиқхоналар ташкил қилиш, паррандачилик, асаларичилик ҳамда балиқчилик соҳаларини кенгайтириш ва ривожлантиришга 2,2 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

— Мен шу банкнинг Янгигезор филиали мижози «Роҳат парранда агро» масъулияти чекланган жамияти раҳбари бўлман, — деб ўзини таништирди Азиз Маджитов. — Шу йил банкдан 100 млн. сўм узоқ мuddатли кредит олгандик. Бунинг ҳисо-

бига 6 минг бош товук боқишга мўлжалланган ферма қуриб, ишга туширдик. Ҳозирча ферма-мизда тўрт мингдан ортиқ парранда парваришланаяпти. Товуқхонада ҳаво айланиб туриши учун 12 та вентилятор ҳамда қиш фаслида товукхона ҳароратини меъеридан сақлаш учун мўлжалланган иккита иситиш ўрнатдик. Дарвоқе, аллақачон маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам бошлаб юбордик. Ҳозир бир кеча-кундузда 2400 дона тухум етиштириб, аҳолига етакзиб бераймиз.

Банкнинг Гулбаҳор филиали мижози, Янгийўл туманидаги «Темир агро барак» деҳқон ҳўжалиги раҳбари Наталья Султенова ҳам паррандачиликни ривожлантириш, учун 50 млн. сўм кредит олган экан. Бу ерда 5 минг бош товук, 2500 дона ҳўжа парваришланаяпти. Кунига 1000 дона тухум етиштирилмоқда.

Бошқарма томонидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий равишда тўлдириб бериш ҳамда нарх-навоини пасайтириш, мижозларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида аниқ белгиланган дастура асосида фаолият олиб бо-

риляпти. Ушбу мақсадда «Агробанк»нинг Тошкент вилояти ва туман филиаллари томонидан истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нарх-навоини пасайтиришга қаратилган лойиҳаларга умумий миқдори 2,7 млрд. сўмлик кредитлар берилди.

Бугунги кунда бошқарма томонидан тадбиркорлик фаолияти ишлаб шўғулланаётган тадбиркор аёлларга ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтиришлари учун 24 млрд. сўм, ёш оилаларга 487,2 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган бизнес-режаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,3 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди.

Мухтасар айтганда, «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси филиаллари «Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи» широри остида халқ фаровонлиги йўлидаги ислохотларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шоҳайдор МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

Йилнинг энг яхши дарслиги

ва ўқув адабиёти муаллифларининг номи аниқланди

Ўзбекистон давлат консерваториясида Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Президентнинг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жағфармаси томонидан «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2011» республика танлови болибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мақсуд танлов Вазирлар Маҳкамасининг «Узулқисиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ аъёнанивий тарзда ҳар йили ўтказиб келинмоқда. **Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2011** республика танловида жами 173 номдаги адабиёт қатнашди, улардан 18 таси 1-ўринга, 22 таси 2-ўринга ва 23 таси 3-ўринга муносиб топилди.

Ҳалиларга қимматбаҳо совғалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танлови болибларига илмий даража ва унвон бериш тўғрисидаги қарори билан имтиёзлар яратилди.

— Бу йилги танлов замонавий ўқув адабиётлари, иқтидорли талабалар ва педагог-ўқитувчилар томонидан тайёрланган илмий ишлар, ҳунармандчилик намуна-

ОБ-ҲАВО	22-23.11. 2011	БУГҮН	ЭРТАГА
Тошкент	5°C	5°C	7°C
Самарқанд	5°C	5°C	10°C
Нукус	0°C	0°C	5°C
Қарши	9°C	9°C	14°C
Урганч	0°C	0°C	5°C
Навоий	0°C	0°C	5°C
Фарғона	5°C	5°C	10°C
Бухоро	0°C	0°C	5°C
Андижон	5°C	5°C	10°C
Наманган	5°C	5°C	10°C
Термиз	9°C	9°C	14°C
Жиззах	5°C	5°C	10°C
Гулистон	5°C	5°C	10°C
Тошкент вил.	5°C	5°C	10°C
Лондон	14°C	11°C	11°C
Париж	11°C	11°C	10°C
Москва	-3°C	-3°C	-4°C
Мадрид	15°C	15°C	14°C
Пекин	10°C	10°C	8°C
Гонгконг	24°C	24°C	24°C
Рим	19°C	19°C	18°C
Анкара	11°C	11°C	10°C
Токио	17°C	17°C	15°C
Стокгольм	6°C	6°C	4°C
Кейптаун	20°C	20°C	22°C
Қоҳира	22°C	22°C	24°C
Гавана	29°C	29°C	29°C
Вашингтон	19°C	19°C	14°C

Тошкент шаҳар, Бектемир туман жомиятида рўйхатга олинган «NIYOZOV ALISHER» МЧЖ (ИНН 301053241, ОКОНХ 71280) **ТУГАТИЛАДИ.** Давво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мuddат ичда қабул қилинади. Телефон: 700-79-93

**MUASSIS:**  
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TANHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muhsiddin MUIHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Muchiboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	Saidahmad RAHIMOV
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

**BO'LIMLAR:**  
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Koinbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146  
10029 nuxsada bosildi.

t — Tijorat materiallari  
Topshirish vaqti — 21.00  
O'za yakuni — 21.10  
Topshirilgan vaqti — 00.10

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Temur XUDOYBERDIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5